БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№89 (234) 2018 йил 13 ноябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

2 январь – чоршанба;

22 март – жума;

2 сентябрь – душанба.

2. 2019 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

5 январь – шанба 3 январь – пайшанбага;

1 июнь – шанба 6 июнь – пайшанбага;

7 сентябрь – шанба 3 сентябрь – сешанбага;

28 декабрь – шанба 31 декабрь – сешанбага.

(Давоми 2-бетда)

Халқ билан мулоқот

## Эзгу орзулар ижобати

Сурхондарё вилоятида ногиронлиги бор фуқароларга янги уй-жой калити тантанали топширилмоқда.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда вилоят марказидаги Гулистон маҳалласида қад ростлаган 18 хонадонга мўлжалланган 3 қаватли, Жарқўрғон туманидаги Қораёғоч маҳалласида 5 оилага мўлжалланган икки қаватли, Термиз туманидаги Учқизил массивида 10 хонадонга икки сотихли янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги арзон уй-жойлар калити топширилди.

Вилоят Халқ қабулхонаси раҳбар ва ходимлари, Термиз шаҳар, Жарқўрғон ва Термиз туманлари ҳокимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, маҳалла фаоллари, янги уйларга кўчиб ўтган ногиронлиги бор шахслар ва уларнинг яқинлари иштирок этган тадбирда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар халқ манфаатларини таъминлаб, меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган фуқароларни ҳам ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилда вилоятда ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 405 оила янги уй-жой билан таъминланмоқда. Ўтган тўққиз ойда 53 шундай оила шинам ва замонавий уйларга кўчиб ўтди. Шу кунларда яна 263 оилага мўлжалланган уйларда қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топшириш учун шай ҳолатга келтирилди. Уларнинг биттаси Термиз шаҳрида 18 оилага мўлжалланган уч қаватли арзон уй, биттаси Жарқўрғон туманида 5 хонадон учун икки қаватли уй-жой ва бошқа туманларда 230 оилага мўлжалланган икки сотихли янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлардир.

Термиз шаҳар Гулистон маҳалласида бунёд этилган 18 хонадонли уч қаватли уйни қуриб, фойдаланишга топшириш учун 2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Икки ва уч хонали хонадонларда муносиб турмуш кечириш учун барча шароит яратилган.

– Давлатимиздан миннатдормиз, мана, бугун биз учун жуда қувончли кун бўлди, – дейди Термиз шаҳар Жўйижангал маҳалласидан Ў. Хўжамбердиев ЎзА мухбири Х. Маматрайимов билан суҳбатда. – Замонавий жиҳозланган уч хонали арзон ва шинам хонадонга кўчиб ўтдик. Бундан турмуш ўртоғим, болаларим, яқинларим мендан ҳам кўра кўпроқ суюнишмоқда. Яратганга шукр. Бизга бундай эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиздан миннатдормиз.

Тадбирда янги уй эгаларига маиший техника воситалари совға қилинди. Бир гуруҳ эҳтиёжманд фуқароларга ногиронлик аравачалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага бир олам завқ улашди.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ногиронлиги бор оилаларга янги уйлар калити тантанали топширилмоқда.

Табирда Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Пўлатов сўзга чиқди.











## Бир йиллик фаолиятга назар

Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятининг бир йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дастлаб анжуман иштирокчилари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 324-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди.

Ушбу муассаса кўп йиллар фойдаланилмай турган МТМ ўрнида қайта ташкил этилди. Муассасада болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи алоҳида санъат хонаси ва спорт зали бор. Очиқ ҳавода жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш учун эса футбол майдончаси мавжуд.

Пресс-турдан сўнг журналистлар вазирликда ташкил этилган матбуот анжуманида иштирок этди.

Мактабгача таълим вазири Агриппина Шин Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрда қабул қилинган «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эртамиз эгалари камолоти учун олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиққани, шунингдек, мазкур ҳужжат соҳадаги қатор муаммоларни бартараф этишга асос бўлаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## Халқ кутубхоналари – китобхонлар хизматида



Фарғона шаҳрида аҳолининг маънавияти ва дунёқарашини янада юксалтириш, ёш авлодни китобга ошно этиб тарбиялаш мақсадида замонавий жиҳозланган, юқори матбаачилик сифатига эга адабиётлар билан таъминланган кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Ана шундай кутубхоналардан бири «Бешбола» маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлади.

Халқ кутубхонаси очилишига бағишланган тадбирида сўзга чиққанлар халқимизнинг китобхонлик даражасини ошириш соҳасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгида республика халқ кутубхонасига янги бадиий адабиётлар тортиқ қилинди.

**Суратда:** Фарғона шаҳридаги «Бешбола» маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлаган халқ кутубхонасида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**










2009-2016 йиллар оралиғида Бўз туманида жами 152 та замонавий турар жой биноси қад ростлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 ноябрь

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури – амалда

# Ёшлар меҳнат гузари иш бошлади

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманининг Уччинор маҳалласида «Ёшлар меҳнат гузари», мактабгача таълим муассасаси, баркамол авлод маркази, савдо мажмуаси каби қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида бунёд этилган мазкур биноларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши масъуллари, туман фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, тадбиркорликка оид ғоя ва интилишларини рўёбга чиқариш, бу борада уларга имтиёзлар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Маълумки, ёшларнинг фаол бизнес билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш, уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш бўйича дастлаб пойтахтнинг Чилонзор тумани ва Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Мазкур жараёнда 102 минг аҳоли, жумладан, 42 мингдан зиёд ёшлар истиқомат қилувчи Қуйи Чирчиқ туманида республика ишчи гуруҳи томонидан туман ёшлари билан бевосита мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг хоҳиш ва истаклари, қизиқишлари, муаммолари ўрганилган эди.

Маълумотларга кўра, ушбу ўрганиш жараёнида республика ишчи гуруҳлари томонидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 27 минг 500 га яқин ёшларнинг қизиқиш ва муаммолари ўрганилган. Ёшларни қийнаб келаётган 1 минг 500 дан ортиқ муаммонинг мингдан зиёди жойида ҳал этилган. Ишсизлиги аниқланган 6 минг 300 дан ортиқ ёшнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилган. Ногирон ва имконияти чекланган 23 ёшга аравача топширилиб, 114 нафарига республика тиббиёт муассасаларида даволаниш учун йўлланма берилган. Ёшларнинг чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиши, иссиқхона ташкил этиши учун 402 гектар ер ажратилган. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш, туман ёшларининг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка оид таклифларини амалга оширишни назарда тутувчи 2018-2019 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Мазкур жараёнда 3 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қарийб 600 ёш истиқомат қилаётган Уччинор маҳалласи ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳам зарур вазифалар белгиланган эди. «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ, ушбу маҳаллада кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, тикувчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳамда савдо дўконларини ўз ичига олган «Ёшлар меҳнат гузари», 60 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси, баркамол авлод маркази, савдо дўкони, новвойхона, дорихона, ошхона, гўзаллик салони ва сартарошхонадан иборат савдо мажмуаси, болалар майдончаси, мини-футбол стадиони, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар учун 10 та 2 сотихли уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллада мазкур ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа объектларнинг иш бошлаши билан 60 га яқин ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Уччинор маҳалласи аҳолисининг чексиз қувончига сабаб бўлган, хонадонига файз олиб кирган мазкур бунёдкорлик ишлари муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбир хурсандчилик, куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бўз тумани – Андижон вилоятининг чекка ҳудудларидан бўлиб, Фарғона вилоятининг Ёзёвон ҳамда Тошлоқ туманлари билан чегарадош. Айни пайтда тумандаги 25 та маҳалла фуқаролар йиғинида 69 974 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг қарийб 60-65 фоизини ёшлар ташкил этади.

# Ободликнинг ёрқин манзиллари



Ёшларни муқим иш ўрни, қолаверса, уй-жой билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, Бўз туманида ҳам мазкур масалада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2009-2016 йиллар оралиғида туман бўйича жами 152 та замонавий турар жой биноси қад ростлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш масаласидаги бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди. Фикримиз исботини ўтган охирги икки йилда Бўз туманида бунёд этилган 75 та замонавий турар жой биноси мисолида кўришимиз мумкин.

– Турмуш ўртоғим Зоҳиджон Тожибоев ҳарбий хизматчи, – дейди янги уй соҳибаларидан бири Шахноза Тожибоева. – Бир неча йиллар давомида ижарада яшаб келаётган эдик. Худога шукр, жорий йилда икки сотихли уч хонали турар жойга эга бўлдик. Айни пайтда янги хонадоннинг барча қулайликларидан фойдаланиб, оиламиз билан тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдамиз. Бизларга яратиб берилган имконият ва қулайликлардан, айниқса, ота-оналаримиз мамнун бўлишмоқда. Бунинг учун, аввало, муҳтарам Юртбошимиз, қолаверса, бир-биридан кўркам ва шинам уй-жойларни бунёд этаётган қурувчилардан беҳад миннатдормиз.

Бугунги кунда туманни обод қилишда жонбозлик кўрсатаётган бўзлик тадбиркорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. «Исломбек келажак сари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Исломбек Комилжонов ана шулардан бири. 2013 йили асос солинган мазкур корхона бугунга қадар ҳар тарафлама ривож топиб, ишчи-хизматчилар сонини 60 нафарга етказди. Қурилиш техникалари жамланмасининг 12 тага етгани корхонадаги қўл меҳнати улушини бир мунча енгиллаштирди.

– Ютуқларимнинг боиси – ҳам акам ва ҳам устозим, Жамшид Мамасолиев мени ҳамиша қўллаб-қувватлагани, ҳеч қачон ўз ёрдамини аямагани, – дейди Исломбек Комилжонов. – Ортда қолган вақт оралиғида бир қатор қурилиш объектларида ёрдамчи корхона сифатида бунёдкорлик ишларини бажардик. Жорий йилда туманимиздаги «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган янги уй-жойлардан 10 тасидаги қурилиш-монтаж ишларини ўзимиз бажардик.

Жамшидбек Мамасолиев раҳбарлик қилаётган «Беҳрузбек Дилмуродов» МЧЖ қурувчилари нафақат Бўз туманида, балки қўшни Улуғнор, Шаҳрихон туманларида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишларини бажариб келаётгани боис, турдош корхоналар орасида нуфузи тобора ортиб бормоқда. Жорий йилда мазкур корхона қурувчилари томонидан Бўз туманидаги 10- ва 11-сонли ҳамда Улуғнор туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабларида инвестиция ҳамда «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги ПҚ-3480-сонли қарорига асосан, Бўз туманидаги «Чорвадор» МФЙ ҳудудида 14 та янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни бунёд этишди.

– Ўтган йил якунига кўра, корхонамиз бунёдкорлари томонидан жами 6 миллиард 480 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган эди, – дейди Ж. Мамасолиев. – Айни пайтдаги ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилдаги кўрсаткич 9 млрд 840 млн сўмни ташкил этмоқда. Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг моддий-маънавий манфаатдорлиги йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани уларнинг ўз ишларига нисбатан қизиқишларини янада оширмоқда.

Шуни айтиш ўринлики, Андижон вилоятининг ҳар бир ҳудудида йил сайин бунёдкорлик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари авж олмоқда. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Андижон филиалидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилда вилоят бўйича жами 1 205 та турар жой бунёд этилиб, уларнинг 901 таси 2 сотихли 3 хонали, 10 таси 2 қаватли 16 хонадонли ва 8 таси 3 қаватли 18 хонадонли 2-3 хонали бўлади. Айни кунларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Бир йиллик фаолиятга назар

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анжуманда мазкур қарорда белгиланган вазифалар доирасида қилинаётган ишлар, истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб мактабагача таълим муассасасига қатнайдиган болалар учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш хизмати жорий қилинади. Боланинг ривожланиши, таълим олиши, соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва бу ҳақда ота-оналарни хабардор қилиш имкони яратилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, МТМларининг аксарияти собиқ советлар вақтида қурилган ва тубдан таъмирланмаган. Ойлик маошларининг узоқ йиллар давомида кўтарилмагани ҳам иш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатган.

Эндиликда, қарорга мувофиқ, МТМда кўрсатилган пуллик хизматларнинг 90 фоизини муассаса моддий-техник базасини кучайтириш ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш мумкин бўлади. Шунингдек, МТМларида дам олиш кунлари ва иш куни якунлангандан сўнг болаларни парваришлаш ва уларга қараб туриш, белгиланган дастурдан ташқари тўгарак машғулотларини ташкил қилиш сингари қатор қўшимча пуллик хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи бор.

Маълумот учун: ўтган бир йил мобайнида болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 27,7 фоиздан 35,4 фоизгача етди. Айни дамда 890 мингдан ортиқ болакай МТМга қатнамоқда. МТМлар сони янги қурилиш, қайта таъмирлаш ҳамда нодавлат секторининг жадаллик билан ривожланиши ва давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этилиши натижасида 5 минг 211 тадан 6 минг 607 тага етди.

Тадбирда шу ва янги мактабгача таълим муассасаларининг барпо этилиши, уларни ичимлик суви, газ ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлаш сингари масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Хизмат кўрсатиш муддати узаяди

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори бошчилигидаги делегация Бухорода бўлди.

Бухоро вилояти ва шаҳри ҳокимликлари мутасаддилари, соҳа мутахассислари иштирок этган мулоқот доирасида «Энергомарказ» акциядорлик жамиятининг сифатли иссиқлик етказиб бериш тизимини замонавий талаблар асосида қайта такомиллаштириш лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

Ушбу лойиҳа билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун халқаро ташкилот вакиллари «Энергомарказ» акциядорлик жамияти корхонасида бўлиб, технологик ускуналар янгиланадиган цех ва иссиқлик таъминотчиси хизмат кўрсатадиган ҳудудлар билан танишди.

Жаҳон банки директорлар кенгаши томонидан маъқулланган ва Халқаро ривожланиш ассоциациясининг маблағлари ҳисобидан имтиёзли равишда молиялаштириладиган лойиҳа қиймати 14 миллион 620 минг долларга тенг. Бу маблағ ҳисобига «Бухороэнергомарказ» акциядорлик жамиятида кенг кўламли технологик янгиланишлар амалга оширилади.

Дастлаб, иссиқлик таъминоти мавжуд очиқ тизимдан ёпиқ тизимга ўтказилади. Шунингдек, 198 кўп қаватли уй-жойда ва ижтимоий соҳа объектларининг 33 тасида индивидуал иссиқлик пункти қурилади. Бундан ташқари, қозонхонада битта янги замонавий қозон ўрнатилади, эскирган иккита қозон ва насос хўжалиги модернизация қилинади. Таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда истеъмолчилар билан боғлайдиган умумий узунлиги 5 километр 550 метрдан иборат магистрал иссиқлик тармоқларининг ҳолати замонавий талаблар даражасида эмас. Айни шу боис ҳам улар иссиқлик узатиш самарадорлиги юқори махсус қопламали қувурларга алмаштирилади.

Лойиҳа «Энергомарказ» АЖ хизмат кўрсатадиган бевосита хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тасарруфидаги уйлар ертўласини ҳам қамраб олади. Бу ерда электр ва ичимлик сув тизимлари таъмирланади ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминланади.

– Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа натижасида йилига 4,7 миллиард сўмлик энергия ресурслар, яъни табиий газ, электр энергияси, шунингдек, ичимлик суви тежаб қолинади, – дейди «Энергомарказ» АЖ раиси Анвар Қораев ЎзА мухбири Эркин Ёдгоровга. – Замонавий технологияларнинг жорий этилиши иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш таннархини 30 фоизга камайтириш, таъминот сифатини ошириш имконини беради. Энг муҳими, етказиб бериш жараёнида иссиқликнинг йўқотилиши икки баравarга, энергоресурсларнинг кам сарфланиши эвазига ундан фойдаланилганда ҳаво қатламига чиқариб юборилиши мумкин бўлган заҳарли газ – карбонат ангидрид миқдори йилига 5,2 минг тоннага камаяди.

Маълум қилинишича, модернизация туфайли иссиқлик тизимлари ва кўп қаватли уйлардаги иссиқлик таъминоти тизимларининг хизмат кўрсатиш муддати 50 йилга узаяди.

Индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилиши ҳисобига кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларидаги иссиқлик ташқи муҳит ҳарорати ҳисобга олиниб, автоматик тарзда бошқарилади. Истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳақиқий етказиб берилган иссиқлик энергияси (кўп қаватли уйларда иссиқлик ҳисоблагичи ўрнатилади) бўйича олиб борилишига эришилади.

Ушбу лойиҳа 2019 йилнинг иккинчи чорагидан бошланиб, босқичма-босқич 2021 йилда ниҳоясига етказилади.

# Италиялик мутахассислар билан учрашув

Неаполь шаҳридаги «Луиджи Ванвителли» компанияси университети профессор-ўқитувчилари мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи таълим муассасалари билан замонавий архитектура-қурилиш ва дизайн масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи таклифига биноан юртимизга ташриф буюрдилар.

Ташриф давомида аввал пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрган, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида бўлиб, давлат арбоби ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйган делегация вакиллари эртаси куни Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари билан учрашдилар.

– «Луиджи Ванвителли» компанияси университетининг архитектура ва саноат дизайн факультети декани, профессор Луиджи Маффей, таълим муассасасининг яна икки нафар профессори – Иоланда Каприглионе ва Серхио Сибилиодан иборат делегация дастлаб билим даргоҳимиз ўқувчиларининг ижод намуналари – макетлар, эскиз ва суратлар асосида ташкил этилган музей ва кўргазмани томоша қилишган бўлса, кейин тадбир доирасида ўтказилган семинарда қатнашдилар, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи директори Ўринбой Нуртаев. – Семинар давомида жаноб Маффей «Шаҳар овози» номли, Каприглионе хоним эса «Пейзаж маданий мерос сифатида» мавзуларида маҳорат дарсларини ўтишган бўлсалар, коллеж ўқитувчилари – Умида Газибаева, Мадина Абдуваҳобова ва Равшан Эргашев тегишли равишда коллеж фаолияти, Ўзбекистоннинг тасвирий санъати ҳамда «Tashkent City» ишбилармонлар шаҳарчаси объектларининг қурилишига доир мавзулар бўйича ўз тақдимотларини ўтказдилар.



Тадбир давомида Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифдан кўзланган мақсад, шунингдек, дастлабки таассуротлар билан ўртоқлашган меҳмонлар юртимиз архитектураси, мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий объектлар, уларни муҳофаза қилиш ҳақидаги фикрларини баён этдилар.

– Тошкент шаҳрида, айниқса, унинг марказида жойлашган биноларнинг аксарияти оқ рангда эканига эътибор бердим, – деди семинар иштирокчилари саволларига жавоб берган Л. Маффей. – Аҳамиятлиси, ана шу бинолар фасадининг бошқа унсурлари, яъни устунлар, ойналар, эшиклар, шунингдек, бошқа ўзига хос безаклар ана шу рангдан меъёрида фойдаланиш имконини берган. Бу ерга келиб, Ўзбекистон жуда кўп тарихий қадамжолар йиғилган юрт эканига ишонч ҳосил қилдик. Тўғри, уларни вақти-вақти билан таъмирлаб, керак бўлса реконструкция қилиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда барча соҳалар ривожланаётган бугунги кунда реставратор мутахассисларга айнан ана шундай объектлар конструкцияларини тиклаш ва мустаҳкамлашда ишлатиладиган замонавий технологиялардан фойдаланишни тавсия этган бўлардим. Ана шундай технологиялар сирасига бино-иншоотлар конструкцияларида қачонлардир пайдо бўлган ёриқлар, оғишлар борлигини аниқлайдиган ускуналар – 3D сканерларни киритиш мумкин.

Италиялик мутахассислар, шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Бухоро ирригация-мелиорация ва архитектура ҳамда Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежларида бўлдилар.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O`zbekiston bunyodkor» мухбири.**

Международная организация по стандартизации на протяжении полувека собирает лучшую практику управления различными бизнес- и производственными процессами, анализирует разные стороны деятельности предприятий и на этой основе разрабатывает стандарты, рекомендуя компаниям применять их.

# Цель – развивать бизнес, способ – стандарт ISO

Агентство США по международному развитию USAID и Группа компаний CERT, занимающаяся сертификацией и обучением по международным стандартам ISO, на прошедшей неделе в рамках Центрально-Азиатского торгового форума провели конференцию для бизнеса и госструктур.

Конференция была посвящена реформе стандартов по системе управления, пищевой безопасности, экологическому менеджменту и охране труда и безопасности. В ней участвовали более 450 человек, среди которых руководители и специалисты крупнейших компаний Узбекистана, предприятий малого бизнеса из всех отраслей экономики, банков, представители министерств и ведомств республики.

Главным девизом и целью мероприятия было «Менять мышление к качественному и эффективному менеджменту». В настоящее время руководители предприятий и владельцы бизнеса только приходят к пониманию необходимости стандартов. Какую выгоду заключает в себе внедрение ISO в компании и наличие сертификата о соответствии стандарту?

## ЧТО ТАКОЕ ISO И С ЧЕМ ЕГО «ЕДЯТ»?

Международная организация по стандартизации на протяжении полувека собирает лучшую практику управления различными бизнес- и производственными процессами, анализирует разные стороны деятельности предприятий и на этой основе разрабатывает стандарты, рекомендуя компаниям применять их.

Компания, которая работает по международным стандартам ISO, первым своим принципом считает клиентоориентированность. То есть она должна максимально удовлетворять потребности клиентов, потребителей. Выполняя эту цель, предприятие получает больше клиентов, следовательно, увеличиваются доходы.

Компании, внедрившие стандарты ISO, «вооружаются» инструментами и методиками, которые позволяют эффективно использовать временные и денежные ресурсы, устранять возникающие ошибки за короткий срок, правильно мотивировать работников. Сам сертификат выдается уполномоченной организацией после внедрения стандарта и свидетельствует о том, что управление на предприятии соответствует его требованиям. По сути, он говорит о надежности предприятия.

Приведем пример с сертификатом по ISO 9001. Предприятие производит 1000 вилок в день. Каждый день делается выборка, допустим, из 100 изделий, которые проверяются, после чего выносится решение, что вся партия качественная. Но есть ли гарантия, что остальные 900 вилок без брака. Так вот, сертификат ISO 9001 подтверждает не качество продукта, а качество системы. Отлаженная система может обеспечить производство одинаково качественной продукции изо дня в день, из года в год. Именно поэтому компаниям, внедрившим стандарт ISO 9001, доверяют.

Наличие сертификата позволяет участвовать практически во всех тендерах, инициированных иностранными инвесторами. Этот документ сегодня обязателен также для предприятий, которые хотят выйти на международный рынок и работать с зарубежными партнерами.

Конечно, в этой сфере существует проблема формального подхода. К примеру, Рунет пестрит предложениями «оформить сертификат за 3 дня», или даже за 1 день, о чем также говорилось на конференции. Но для компании, решившей выбрать формальный подход, выгоды не столь очевидны, как убытки от неэффективного управления.

## ПРАКТИЧЕСКИЕ СОВЕТЫ КОМПАНИЯМ

В каждом докладе, представленном на конференции, можно было почерпнуть информацию, которую руководитель или специалист по качеству способен применить на предприятии сразу и без дополнительных финансовых расходов.

*Ильдар Инелеев, директор «CERT International» по странам СНГ, ведущий аудитор IRCA, рассказал о современных инструментах управления в стандартах:*

– Новые стандарты, принятые после 2015 года так же, как и в предыдущих версиях стандартов, требуют от руководителей определить ответственность и полномочия для сотрудников. На территории СНГ в основном это требование выполняется в рамках утвержденных должностных инструкций, в которых, как правило, раздел про ответственность в 2-3-4 раза больше, чем раздел про полномочия. На зарубежных предприятиях чаще всего все наоборот: гораздо больше полномочий. Почему формальный подход к составлению должностных инструкций может приводить к проблемам?

Чтобы ответить на этот вопрос, надо попытаться проанализировать причины невыполнения подчиненными задач, поставленных руководством. И далеко не всегда причины невыполнения в недисциплинированности, неграмотности или лени подчиненных. Причины зачастую связаны с недостаточностью определенных ресурсов: времени, людей, сырья, оборудования и так далее. К примеру, от начальника цеха требуют произвести качественную продукцию, но это невозможно сделать из-за некачественного сырья. То есть он не имеет возможности повлиять на достаточность и качество этого ресурса, так как у него нет полномочий, участвовать ни в покупке, ни в приемке сырья.

Поэтому для аудитора, проверяющего систему менеджмента качества на предприятии, теперь важным становится разобраться не просто в том, «Кто несет ответственность?», но и в том, «Какие полномочия для этого предоставлены?». К большому сожалению, должностные инструкции – это чаще всего «мертвые» документы, так как при решении поставленных задач они бесполезны. Любая документация систем менеджмента должна быть полезным инструментом, помогающим реально решать вопросы и преодолевать любые возникающие проблемы.

В этой связи руководителям компаний рекомендуется пересмотреть имеющиеся должностные инструкции на предмет достаточности в них объема наделенных полномочий, необходимых для выполнения возложенных обязанностей.

Можно нанять консультанта по ISO, который придумает прекрасную документацию, вложить огромные деньги в разработку систему менеджмента, но она никогда не заработает, если в коллективе присутствует нездоровая атмосфера. Кто должен обеспечивать дружескую рабочую обстановку в коллективе? Ответ: никто, кроме руководителя.

А по каким критериям можно определять ее уровень? Например, по соотношению уровня зарплаты высшего руководства по отношению к средней зарплате персонала (кстати говоря, многие компании придерживаются такого соотношения: самая большая зарплата может превышать среднюю не более, чем в восемь раз). Другие возможные критерии – текучесть кадров, количество предлагаемых сотрудниками идей, количество конфликтов в коллективе, количество улучшений в организации и пр. Мониторинг соответствующих критериев позволяет руководству принимать правильные решения по обеспечению надлежащей среды в коллективе, способствующей развитию компании.

«Относись к другим так, как хочешь, чтобы относились к тебе» – эта древняя заповедь легла в основу седьмого принципа управления «менеджмент взаимоотношений». Кто такие «другие» для компании? Это не только поставщики, как было в старых версиях стандартов, а любые заинтересованные стороны, которые так или иначе могут влиять на достижение компанией своих целей. Руководство одной небольшой компании посчитало, что на стабильность ее деятельности влияют семьи сотрудников и определила их в качестве одной из заинтересованных сторон. Исходя их этого, была разработана политика в отношении семей сотрудников: встречи, участие в общественной жизни компании, подарки и т.д. Конечно, это требует определенных расходов, но они окупаются доходами от стабильно производимой качественной продукции.

Любая компания желает, чтобы ее понимали, уважали, своевременно информировали, оказывали необходимую поддержку, но такого же отношения от компании вправе ожидать и другие заинтересованные стороны. Только та компания, которая думает не только о себе, но и о благополучии своих партнеров, добивается успеха в современном мире бизнеса.

## НАШЕГО ПОЛКУ ПРИБЫЛО

На конференции состоялось торжественное вручение сертификатов на соответствие стандартам.

Немецкие международно признанные сертификаты от авторитетного органа по сертификации «TÜV Thüringen» получили «Алокабанк», «KDB Bank Uzbekistan», «General Motors Power Train-Uzbekistan», текстильное предприятие «Eurotex Global», компания нефтегазовой сферы «Ko'kdumaloq-gaz» и «Green Line Profil» (группа компаний AKFA).

Словацкий международно признанный сертификат «CERT International» получили «Капиталбанк», а также еще два предприятия группы компаний «AKFA» – производитель пластиковых профилей «Perfect plast profil» и производитель деталей для них «Main rubber products».

Сертификаты вручили руководитель компании «SERT Management», официальный представитель «TÜV Thüringen» в Узбекистане Риад Ибрагимов и представитель «CERT International» (Словакия) Марат Хабибулин.

**Хайрулла КУТЛИЕВ,**
**спецкор газеты**
**«O'zbekiston bunyodkori».**

Лойиҳа ташкилотларида

Юртимиз қиёфаси замон талабларига мос равишда тубдан ўзгариб, жойларда кўплаб ноёб, бир-биридан кўркам объектлар барпо этилмоқда, шинам ва муҳташам иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда.

# Ёрқин уфқларга чорламоқда



Шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий кўринишини яхшилаш, замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш мажмуаларини лойиҳалаш ва бунёд этишда «Самарқанд қурилиш лойиҳалаш институти» МЧЖ ходимлари ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишмоқда.

Бугун замонавий архитектура, миллий қурилиш анъаналаримизни сақлаган ҳолда жаҳон меъморий муҳитига фаол кириб боряпмиз. Соҳанинг муваффақиятли ривожланаётгани, вилоят ва туман марказлари юксак маданият ва меъморчиликни ўзида мужассам этган давр талабига мос шаҳарларга айланаётгани сўзимизга исбот бўлади.

Архитекторларимиз ажойиб ижодий ғояларини ўз режаларида акс эттиришади. Илғор фикрлайдиган лойиҳачиларимиз меъмор назарияси ва буюртмачиларнинг талаблари асосида замонавий меъморчилик ишларини амалга ошириб келишмоқда.

Жумладан, Ургут туманидаги «Urgutdehqonbozori» МЧЖ ҳудудида гипермаркет, «Jomboydehqonbozori» МЧЖ ҳудудида супермаркет, Иштихон туманида «Қурилиш ашёлари» ишлаб чиқариш цехи, «Ҳумо» маҳалласида янги мактабгача таълим муассасаси, ичимлик сув иншооти ва тармоғи, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги «Марказий деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудидаги супермаркет, иккита 100 ва битта 50 ўринли енгил типдаги савдо растаси, автотураргоҳлар лойиҳаларини мисол қилиш мумкин. Бундан ташқари қатор мактаблар, шифо масканларини реконструкция, капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳам пухта тайёрлаб беришаётир. Бош муҳандислар Тамара Глухова, Ғолиб Омонов, бош меъмор Зариф Тоҳиров, смета бўлими бошлиғи Лаура Ганжиян каби тажрибали ходимларнинг самарали меҳнати, ижодкорлиги бунда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўз ишларини мукаммал ва сифатли бажаришлари учун уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, устахоналар замон талабларига мос асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани катта ютуқларга йўл очмоқда.

Зеро, бунёд этилаётган ҳар бир иншоотда толмас, изланувчан жамоамиз аъзоларининг ҳиссаси борлиги бизни чексиз руҳлантириши ва янги, ёрқин уфқларга чорлаши шубҳасиз.

**Суратда:** «Самарқанд қурилиш лойиҳалаш институти» МЧЖ мутахассислари иш устида.

**Зафар АСРОРОВ,**
**«Самарқанд қурилиш лойиҳалаш институти» МЧЖ директори.**


## «MULK O'LMAS SARMOYA» МЧЖ

### аукцион савдосига таклиф этади!

**2018 йилнинг 13 декабрь куни соат 10.00 да жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида, мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

1. Нишон тумани «Нишон тола» АЖга қарашли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 486 AAA, двигатель рақами 420259, кузов рақами XWB3D31BD3A008850, NEXIA DOHC русумли автомашина, техник носоз ҳолатда. **Бошланғич баҳоси** – 5 040 000 сўм.

**Ариза қабул қилиш тартиби:** аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни, дам олиш кунлари (шанба ва якшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, «Бунёдкорлик» кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача).

Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 12 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2018 йил 20 ва 27 декабрь кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Савдоларда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар:**

**ҳуқуқий шахслар** – савдога қўйилган мулкни сотиб олиш учун талабнома, «Закалат пули тўғрисидаги келишув», мазкур келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, ташкилот Низоми ва рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс паспорти ва унинг номига берилган ишончнома;

**жисмоний шахслар** – савдога қўйилган мулкни сотиб олиш учун талабнома, «Закалат пули тўғрисидаги келишув», мазкур келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат ва фуқаролик паспорти нусхасини тақдим қилишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ, СТИР 300201778, ОКОНХ 83300. «Ипотека банк» Қарши шаҳри, МФО 00190, 20208000804593520001 ҳисоб рақами.

**Манзил:** Қарши шаҳри, «Бунёдкорлик» кўчаси.

**Мўлжал:** «Ucell» компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

**Телефон:** + 998 (75) 225-16-81.

*0000195-сонли гувоҳнома.*

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 14 декабрь куни соат 10.30 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 21 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«DAROFF-INVEST»** МЧЖ томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2804-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 586 240,50 сўм.
2. 1-2И-2805-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 375 252,50 сўм.
3. 1-2И-2806-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 061 526,30 сўм.
4. 1-2И-2807-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 548 102,90 сўм.
5. 1-2И-2808-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 648 275,70 сўм.
6. 1-2И-2809-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 370 201,50 сўм.
7. 1-2И-2810-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 355 798,90 сўм.
8. 1-2И-2811-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 948 601,22 сўм.
9. 1-2И-2812-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 194 322,10 сўм.
10. 1-2И-2813-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 5 470 600,50 сўм.
11. 1-2И-2814-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 375 252,50 сўм.
12. 1-2И-2815-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 629 448,30 сўм.
13. 1-2И-2816-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 194 322,10 сўм.
14. 1-2И-2817-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 528 630,10 сўм.
15. 1-2И-2818-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 375 252,50 сўм.
16. 1-2И-2819-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 442 214,50 сўм.
17. 1-2И-2820-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 162 344,50 сўм.
18. 1-2И-2821-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 6 016 646,90 сўм.
19. 1-2И-2822-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 784 787,30 сўм.
20. 1-2И-2823-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 586 240,50 сўм.
21. 1-2И-2824-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 10 248 506,50 сўм.
22. 1-2И-2825-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 658 253,50 сўм.
23. 1-2И-2826-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 514 227,50 сўм.
24. 1-2И-2827-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 061 526,30 сўм.
25. 1-2И-2828-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 269 383,30 сўм.
26. 1-2И-2829-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 375 252,50 сўм.
27. 1-2И-2830-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 931 902,90 сўм.
28. 1-2И-2831-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 730 266,50 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «DAROFF-INVEST» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 166-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 14 декабрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 10.30 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқоридаги манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО 01083 СТИР 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:** аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.**: 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059-сонли гувоҳнома.*


Представители хокимията города Ташкента провели встречу с ирландской Best Western и компаний Yuco Alliance (ОАЭ), где обсуждались перспективы строительства трёхзвёздочной гостиницы в столице.

# В столице построят гостиницу с доступными ценами

Как отметили в пресс-службе столичной администрации, планируется, что в распоряжении постояльцев будет 120 номеров по стандартам Best Western. Общая сумма инвестиций составит 5-6 миллионов долларов, финансирование будет осуществляться за счет собственных средств Yuco Alliance. В то же время, со стороны Best Western будет предоставлена франшиза, по стандартам которой будут вестись строительство и рабочий процесс.

В связи с этим, компаниями было запрошено содействие хокимията в подборе и предоставлении подходящего участка под строительство. Руководством столицы положительно встречены планы по строительству гостиницы и будет оказано содействие.

**Наш корр.**

# Тошкентда совуқ сув нархи ҳам оширилди

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси 2018 йил 22 ноябрдан Тошкент шаҳри бўйича янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилди.



Унга кўра, сув таъминоти бўйича – 1 кубометр учун тўлов 245 сўм 280 сўмга, оқава сув бўйича – 1 кубометр учун тўлов 210 сўмдан 235 сўмга оширилди.

Янги тарифлар Тошкент шаҳар ҳокими Бош молия маҳкамаси томонидан 2018 йил 6 ноябрда тасдиқланган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 январдаги қарорига биноан, 2018 йил учун Тошкент шаҳрида ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдори истеъмолчилар учун – 100 сўм 1 кубометрдан олинади.

Аввалроқ, ноябрь ойида электр, газ ва иссиқ сув ҳамда иситиш тизими нархлари оширилганди.

Эслатиб ўтамиз, совуқ сув нархи охирги марта шу йилнинг 1 майида оширилган эди.

**Ўз мухбиримиз.**

Мазкур оромгоҳ эндиликда болаларни соғломлаштириш мавсумидан ташқари даврда, яъни йилнинг 9 ойи давомида дам олиш маскани сифатида фаолият юритади.



# «Тошкент–2025: трансформация» лойиҳаси тақдимоти

Яқинда Игорь Моисеев номидаги Россия давлат академик халқ рақс ансамбли бадиий раҳбари Елена Шербакова Тошкентга қарийб 35-40 йиллар аввал келгани, ўтган йилларда пойтахт шаҳарда кўп яхши ўзгаришлар бўлиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани ҳақида айтганди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тошкент-2025: трансформация» лойиҳаси тақдимотига бағишланган тадбирда пойтахтимиз қиёфасини янада замонавийлаштириш, бу борада истиқболдаги лойиҳалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж. Ортиқхўжаев, шаҳар ҳокимлиги қошидаги жамоатчилик кенгаши раиси Ҳ. Абдураҳмонов ва бошқалар бугунги шиддатли давр шаҳарсозлик соҳаси олдига ҳам замон руҳига монанд талаб ва эҳтиёжларни қўяётганини таъкидлади.

2018 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги жамоатчилик кенгаши томонидан «Тошкент-2025: трансформация» лойиҳасига асос солинди. Мазкур лойиҳа »Урбанистика маркази» жамоат фонди томонидан амалиётга жорий этилиши кўзда тутилган. Унинг асосий мақсади аҳоли турмуши даражасини янада ошириш, шаҳар иқтисодиёти рақобатбардошлигини, барқарор ривожланишини таъминлаш учун кенг қамровли стратегиялар ишлаб чиқиш кабилардан иборатдир.

Лойиҳа режасига кўра, 2025 йилга бориб Тошкент энг замонавий, инвестиция ва туризм учун жозибадор, бой тарихий ва маданий меросни ўзида мужассам этган, аҳоли учун қулай етакчи шаҳарга айланиши кўзда тутилган.

«Тошкент-2025: трансформация» лойиҳаси маъмурий ислоҳотлар, шаҳарни ривожлантиришнинг иқтисодий стратегияси, уй-жой коммунал хизматлар, ижтимоий соҳа ва инклюзив тараққиёт, экология каби йўналишларни қамраб олади. Лойиҳа дастлабки жамоани шакллантириш, илк маълумотларни йиғиш, камчиликларни аниқлаш ва зарур «Йўл харитаси»ни тузиш, йўналишлар бўйича стратегиялар ишлаб чиқишни бошлаш, белгиланган вазифалар бажарилишини кузатиб бориш, натижалар тақдимоти каби босқичлардан иборатдир. Лойиҳага оид вазифаларни белгилашда аҳолининг кенг қатламлари, олимлар, экспертлар, молия институтлари, урбанистикага оид халқаро ташкилотлар мутахассислари фикрларига, жаҳондаги йирик мегаполислар тажрибасига таяниб иш кўрилади.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Пироворд мақсад – тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлаш

Жиззах шаҳри «Ёшлик» маҳалласида 4-сонли ички ишлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Жиззах шаҳри ҳокимлиги, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла посбонлари иштирок этди.

Тадбирда ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг изчил тизими яратилаётгани таъкидланди.

Ҳудудда жорий йилда «Хавфсиз шаҳар» лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2- ва 3-сонли ички ишлар бўлимлари ҳам янги бино билан таъминланди. Мана, орадан кўп вақт ўтмай, шаҳардаги Мирзо Улуғбек, Нурлиобод, Қалия, Ёшлик, Иттифоқ, Бобур, Бунёдкор, Дўстлик маҳаллалари ҳамда «Марказий» деҳқон бозори ҳудудларига хизмат кўрсатувчи бўлим ҳам янги бинога эга бўлди.

Тадбир қатнашчилари 4-сонли ички ишлар бўлимида яратилган имконият ва шароитлар билан танишди.

Бўлимда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш учун барча шароит яратилган. Жумладан, видеокузатув ускуналаридаги тасвирлар навбатчилик қисмидаги мониторлар орқали назорат қилиб борилади. Шунингдек, тергов, суриштирув, саралаш, жиноят қидирув, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, маънавият каби 15 та хона мавжуд. Барча хоналар замонавий мебель, компьютер ва алоқа ускуналари билан таъминланган. Ётоқ ва ювиниш хоналари бор.





– Бўлимнинг очилиши соҳа ходимларини халққа янада яқинлаштирди, – дейди Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 4-сонли ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори Обид Нуриллаев ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров билан суҳбатда. – Яъни шаҳар аҳолиси ўз масаласини ҳал қилиши учун илгаригидек битта идорага эмас, балки ҳудудидаги бўлимга мурожаат этмоқда. Бу ортиқча оворагарчилик ва навбат кутишларга чек қўйди. Мисол учун, фуқаролик паспортини шу ерда расмийлаштириш мумкин. Тезкор ходимлар воқеа жойига зудлик билан етиб бориш ва жиноятларни «иссиқ изи»да очиш имконига эга бўлди.

Тадбир доирасида Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси таркибидаги 1,2,3,4-сонли ички ишлар бўлимларига Ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган «Damas», вилоят ички ишлар бошқармасига «Lacetti», Арнасой ва Мирзачўл тумани ички ишлар бўлимларига «Nexia» русумли хизмат автомашиналари тантанали топширилди.

Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги «Камалак» оромгоҳи Янгиқўрғон туманининг Мамай қишлоғида жойлашган. Подшоота сойи қирғоғи бўйидаги ушбу масканнинг атрофи тоғлар билан ўралгани боис мусаффо иқлимга эга.

# Тоғ бағридаги дам олиш маскани



Мазкур оромгоҳ эндиликда болаларни соғломлаштириш мавсумидан ташқари даврда, яъни йилнинг 9 ойи давомида дам олиш маскани сифатида фаолият юритади. Саломатликни тиклаш дастурига оромгоҳга туташ Тошбақатоғ бағрида тонгги бадантарбия машқларини ўтказиш, соғлом овқатланиш, массаж ва шифобахш сувли муолажаларни қабул қилиш кабилар киритилган. Таомлар асосан тоғ ҳавоси билан тўйинган маҳсулотлардан тайёрланади. Шунингдек, ушбу табиат қўйнидан йиғиб олинган доривор гиёҳлардан тайёрланган дамлама ва коктейллар дам олувчилар саломатлигини мустаҳкамлашда кони фойда бўлмоқда.

Сентябрь ойидан фаолият бошлаган мазкур дам олиш масканида ҳозиргача 123 нафар юртдошимиз ҳордиқ чиқарди.

**Суратда:** Янгиқўрғон туманининг Мамай қишлоғида жойлашган Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги дам олиш масканида.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА ) олган сурат.**

Бунёдкорлик

# Зиёратгоҳ янада обод бўлмоқда

Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган обидаларни келажак авлодга бус-бутун етказиш, асл ҳолатини тиклаш ва бу орқали мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Абул Муин ан-Насафий зиёратгоҳи ана шундай қадамжолардан биридир. Айни пайтда мазкур мажмуада белгиланган дастур асосида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган Абул Муин ан-Насафий зиёратгоҳининг тарихи минг йиллар билан бўйлашади. Бу ердаги бинолардан тортиб, ўрамлари асрлардан дарак берувчи тут дарахтлари, қадим битиклар билан безатилган қабр тошлари бунга яққол мисол. Қадамжода улуғ аллома, ҳазрат Абул Муин ан-Насафийнинг мақбараси ҳамда шу ном билан аталувчи масжид сақланиб қолган.

– Муқаддас қадамжога келадиган зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ушбу объектда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилмоқда, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили Раҳматуллохон Усмонов ЎзА мухбири Ў. Баротовга. – Жумладан, 600 ўринга мўлжалланган катта жомеъ масжид барпо қилинмоқда. Бу масжид барча замонавий қулайликларга эга бўлиб, бу ерга келадиган ибодат қилувчи фуқароларимиз учун барча шароит яратилади. Бундан ташқари, ҳазрат Абул Муин ан-Насафий қўним топган мақбара тўлиқ реконструкция қилинаётир. Мажмуа қарийб 1,5 гектарга яқин майдонни ўз ичига олган. Қолаверса, мажмуанинг ичида катта китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳамда муҳташам ўқув зали қурилмоқда. Бу кутубхонада кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ўзбек ва араб тилларидаги китоблар жамланиши мўлжалланмоқда.

Абул Муин ан-Насафий зиёратгоҳини таъмирлаш жараёнида тарихий ўзликни сақлаб қолиш, шу билан бирга зиёратга келувчилар учун кенг қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Зиёратгоҳда шунчалик ўзгариш бўлиб кетдики, бир йил олдин бу ерга келган киши танимай қолади, – дейди қишлоқ фахрийси Неъмат бобо Холматов. – Шу обида сабаб бўлиб, қишлоғимиз бутун дунёга танилиб кетди. Ҳозирда бу ердан зиёратчиларнинг қадами аримайди. Ҳатто хорижий мамлакатлардан ҳам зиёратчилар ташриф буюрмоқда. Ҳудудимизда амалга оширилган бундай ободончилик ва ижобий ўзгаришлардан қишлоғимиз аҳли хурсанд.

Зиёратгоҳнинг бетакрор кўриниши учун меъморлар ва қурувчилар астойдил ҳаракат қилмоқда. Улуғ аждодларимиз ва уларнинг хизматлари учун кўрсатилаётган бу эҳтиромдан барча миннатдор.

В столичном хокимияте прошла встреча работников Департамента транспорта и развития дорожно-транспортной инфраструктуры с представителями ОБСЕ в Узбекистане, экспертов Общественного совета хокимията города Ташкента и заслуженного тренера Узбекистана по велоспорту.

# Сеть велодорожек будет расширена



На встрече обсуждались вопросы дальнейшего расширения сети велодорожек, и совместная работа по таким направлениям, как развитие велоинфраструктуры, привлечение международных экспертов для разработки концепции развития велосипедной инфраструктуры в городе Ташкенте, проведение совместных мероприятий по пропаганде велоспорта, широкое внедрение велосипедных прокатов, создание парковочных мест для велосипедов в местах с высокой плотностью населения, создание совместной рабочей группы для совместной проработки вышеуказанных вопросов.

# В Африке построили самый длинный подвесной мост

Китайская дорожная и мостовая корпорация завершила строительство самого длинного подвесного моста в Африке. 10 ноября состоялось официальное открытие движения по мосту.



Длина моста, построенного в столице страны – Мапуту составляет около трех километров. Главный пролет моста достигает высоты 680 метров над Мапутским заливом Индийского океана.

Президент Мозамбика Филипп Хасинто Нюси, участвовавший на церемонии открытия моста, выразил благодарность Китаю, а китайский посол Су Цзянь заявил, что главным вкладом проекта в развитие Мозамбика стало создание рабочих мест и передача технологий местным жителям.

**По материалам Интернета.**




# Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 13 ноября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 8271,27
1 ЕВРО – 9374,66
1 российский рубль – 121,79
1 фунт стерлингов – 10731,15
1 южнокорейская вона – 7,32
1 японская йена – 72,67
1 малайзийский ринггит – 1979,72
1 китайский юань – 1189,20
1 швейцарский франк – 8227,66
1 дирхам ОАЭ – 2252,03
1 египетский фунт – 464,94
1 австралийский доллар – 5975,17
1 турецкая лира – 1515,00
1 сингапурский доллар – 5998,46
1 СДР – 11452,56
1 канадский доллар – 6261,84
1 украинская гривна – 297,05
1 польский злотый – 2186,89
1 кувейтский динар – 27238,59

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 93-466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1107. 2439 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов.
**Навбатчи** – Т. Турсунов.

ЎзА якуни – 21.55.Топширилди – 22.55.

1 2 3 4 5